

Биржа Эксперт

ХУСУСИЙЛАШТИРИШ

МОЛИЯ

ҚИММАТЛИ ҚОҒОЗЛАР

ИЛМИЙ АМАЛИЁТ

УШБУ СОН МАВЗУСИ:

Юк терминаллари ни ҳаракат воситалари билан таъминлашнинг оптимал вариантини аниқлаш

10

ТЕМА НОМЕРА:

Инвестиционная привлекательность и международные рейтинговые оценки деловой среды Узбекистана

55

ПРИВАТИЗАЦИЯ

ФИНАНСЫ

ЦЕННЫЕ БУМАГИ

НАУЧНАЯ ПРАКТИКА

17

Ўзбекистоннинг экотуристлик салоҳияти ва уни ривожлантириш чора-тадбирлари

25

Миллий иқтисодиётнинг жаҳон савдо тизимига қўшилиш имкониятлари

Высокотехнологичный сектор Узбекистана: понятие, состояние и направления развития

48

Концептуальные основы комплекснозначной экономики

52

ВНИМАНИЕ!

Согласно постановлению Президиума Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан №163/5 от 25 марта 2010 года журнал «Биржа-Эксперт» внесен в реестр научных изданий Высшей аттестационной комиссии для докторских диссертации.

Мундарижа

Иқтисодий таҳлил

М. Пардаев, Ж. Исроилов, Н. Бабахалов. Молиявий-иқтисодий инқироз шароитида иқтисодий таҳлилнинг долзарб муаммолари 3

И. Тухлиев, Б. Сафаров. Туристтик фирмалар инновацион стратегияларни тайёрлаш механизмлари 6

М. Ҳамдамова. Юк терминалларини ҳаракат воситалари билан таъминлашнинг оптимал вариантини аниқлаш 10

Молиявий бошқарув

Р. Қаюмов, А. Темиров. Кичик бизнес субъектлари молиявий менежментини такомиллаштириш йўллари 12

Соҳа тараққиёти

О. Ҳамидов. Ўзбекистоннинг экотуристтик салоҳияти ва уни ривожлантириш чора-тадбирлари 17

М. Ирисбекова. Транспорт-логистик хизматлари бозорини оптималлаштиришнинг математик моделларини ишлаб чиқиш 20

Иқтисодий сиёсат

Ш. Отажонов. Миллий иқтисодиётнинг жаҳон савдо тизимида қўшилиш имкониятлари 25

Ижтимоий соҳа

З. Шакарров. Меҳнат бозорида иш кучи ҳаракатчанлиги 28

Иқтисодий назария

С. Абдурахимова. Иқтисодиётни модернизация қилиш шароитида инвестиция жараёнларини макроиқтисодий тартибга солишнинг шарт-шароитлари 30

С. Таиров. Инсон капитали иқтисодий ўсиш омили сифатида 32

Молия

А. Кунисhev. Инвестицион лойиҳаларни молиялаштиришда банк ресурс базасини мустаҳкамлаш 34

Молиявий таҳлил

А. Холиқулов. Меҳмонхона хизматлари самарадорлиги: кўрсаткичлар, аниқлаш ва ошириш йўллари 36

Янги нашрлар

З. Тожиева. Ўзбекистон ижтимоий-иқтисодий ҳаётида демография фанининг ўрни 40

Содержание

Инновации

М. Зияев, В. Котов. Инновационный потенциал предприятий реального сектора экономики Узбекистана 42

Д. Пулатов. Применение информационных технологий в управлении государственными финансами 45

Г. Федяшева, Н. Коваленко, Е. Горлова. Высокотехнологичный сектор Узбекистана: понятие, состояние и направления развития 48

Экономическая теория

И. Абдуллаев. Концептуальные основы комплекснозначной экономики 52

Экономическая политика

Дж. Муинов, О. Мишенькова, М. Каримов. Инвестиционная привлекательность и международные рейтинговые оценки деловой среды Узбекистана 55

А. Суванкулов. Условия достижения продовольственной безопасности страны 58

Е. Тухтарова. Нормативно-законодательная база и ценовое регулирование 60

Кичик бизнес субъектлари молиявий менежментини такомиллаштириш йўллари

Кичик бизнес субъектлари миллий иқтисодиётнинг муҳим таркибий қисмларидан бири бўлиб ҳисобланади. Шу сабабли ҳам уларнинг ривожлантирилиши кўпчилик мамлакатларнинг диққат марказидаги масала бўлиб ҳисобланади.

Мамлакатимизда ҳам сўнги йилларда кичик бизнесни ривожлантирилишига катта эътибор қаратилмоқда ва бу борада қатор ижобий ишлар амалга оширилмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов айтганидек "Иқтисодий ўсишни таъминлаш, янги иш ўринларини ташкил қилиш, бандлик муаммосини ҳал этиш, аҳолининг даромадлари ва фаровонлигини оширишда тобора муҳим ўрин тутаётган кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни жадал ривожлантириш, рағбатлантириш ва қўллаб-қувватлашга алоҳида эътибор қаратилди"¹.

Чизма маълумотларидан шу айтиш мумкинки, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликка алоҳида эътибор қаратилиши натижасида мамлакат ялпи ички маҳсулот ишлаб чиқарилишида уларнинг улуши йилдан йилга ошиб бормоқда. Бу эса албатта кичик бизнесга мамлакатимиз томонидан яратилган қулай шарт-шароитларнинг самарасидир.

Кичик бизнес субъектлари фаолияти ривожлантирилишини қўллаб-қувватланиши натижасида бозорни маҳсулот билан тўлдириш, янги иш ўринларини яратиш каби ижобий ишлар амалга оширилмоқда. Бунинг баробарида, Кичик бизнес

субъектлари фаолиятининг бундай кўрсаткичга эришиш сабабларидан бири бўлиб эса "...амалга оширган яна бир муҳим тадбиримиз – солиқ юкни енгиллаштириш, солиққа тортиш тизимини соддалаштириш ва унификация қилиш бўйича хўжалик тузилмаларини қўллаб-қувватлаш мақсадида қўшимча чоралар кўрилганидир"².

Барча яратилган шарт-шароитларга қарамадан, ҳозирги кунда республикамиздаги кичик бизнес субъектларининг маълум қисми фаолиятида унчалик узоқ бўлмаган муддатлардан кейин пасайиш ёки тугатилиш ҳолатлари кузатилмоқда. Бу ҳолатлар кичик бизнес субъектлари раҳбарлари (ёки бошқарувчилари) ва ходимларининг ҳали ҳам бозор иқтисодиётининг хусусиятларини, кучли бозор рақобати шароитида яшовчанлик сирларини, менежмент ва маркетинг соҳаларидаги билимларни тўла ўзлаштириб олмаганликларидан келиб чиқади. Мазкур муаммони ҳал қилишнинг муҳим йўлларида бири сифатида кичик бизнес субъектлари фаолиятида менежмент, хусусан, молиявий менежментнинг ўрганилиши ҳисобланади.

Молиявий менежмент хўжалик юритувчи субъектларнинг уму-

мий мақсадларига эришишини таъминлашга йўналтирилган тизимдир. У бир томондан, ўз хусусиятлари ва маълум қонуниятларга эга бўлган бошқариладиган тизим бўлса, иккинчи томондан корхонани бошқариш тизимининг муҳим таркибий қисмидир. Молиявий менежмент корхонада молиявий қарорларни қабул қилиш ҳамда амалга ошириш имконини беради.

Кичик бизнес субъектларида бошқа корхоналарга нисбатан молиявий менежментнинг вазифалари бирмунча мураккабдир. Чунки бундай корхоналар менежерлари корхона бошқаруви билан бирга турли даражадаги ишларни кўпинча биргаликда қўшиб олиб борадилар. Шу сабабли ҳам мазкур корхоналарда бошқарув қарорларини қабул қилишда бошқа хўжалик юритувчи субъектлар билан фарқлиқликлар юзага чиқади. Бинобарин, кичик бизнес субъектлари молиявий менежментини ўрганиш ҳозирги куннинг энг долзарб масалаларидан бири бўлиб ҳисобланади.

Иқтисодий муносабатларни амалга оширадиган ҳар қандай корхона, энг аввало, ўзининг молиявий имкониятларини ва молиявий фаолиятининг самарадорлигини тўғри баҳолай олиши керак. Бу масалани ҳал қилиш учун молиявий таҳлил масаласига эътибор қаратилади. Молиявий таҳлил молиявий менежментнинг муҳим таркибий қисмидир.

Маълумки, хўжалик юритув-

1-расм. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг ЯИМ даги улуши, фоизда



чи субъектларнинг эгалари уларнинг барқарор фаолият юритиши ҳамда фойда даражасини ошириш мақсадида молиявий таҳлил маълумотлардан фойдаланадилар. Кредиторлар ва инвесторлар учун эса бундай таҳлил имкони борида улар томонидан қилинган инвестицияларидаги риск даражасини пасайтириш йўллари очиқ беради. Бироқ, шуни алоҳида таъкидлаш керакки, қабул қилинаётган қарорлар текширувчилар ва таҳлилчилар томонидан олинган маълумотларни аналитик асослаш сифатига боғлиқдир.

Молиявий таҳлил корхонанинг расмий ҳисобот маълумотлари асосида анъанавий бўлган рентабеллик, иш фаоллиги кўрсаткичлари, корхонанинг ликвидлиги даражаси ва унга таъсир этувчи омиллар, тўлов қобилияти ва корхона сармоясини тузилиши каби таҳлилларни ўз ичига олади.

Корхонанинг молиявий ҳолати таҳлил қилинар экан, асосий эътибор қуйидагиларга қаратилади:

- корхонанинг молиявий аҳволини ҳар томонлама ўрганиб, унинг ҳолатига аниқ ва холисона баҳо бериш;

- маблағлар манбалари ва жойланишини текшириш, уларни тўғри йўналтирилганлигини аниқлаш;

- тўлов мажбуриятларининг ўз вақтида бажарилганлиги, дебитор ва кредитор қарзлар таркибини ўрганиш;

- корхонанинг ўз маблағлари билан қарз маблағлари ўртасида нисбатни ва айланма маблағларнинг манба билан таъминланганлигини текшириш, молиявий интизомга қанчалик амал қилинишини аниқлаш ва тўлов қобилиятига баҳо бериш;

- корхона мол-мулки ва унинг тез пулга айлана олиш даражасини ўрганиш;

- айланма маблағлардан фойдаланиш даражасига баҳо бериш ва корхонанинг молиявий аҳволини яқшироқ бўйича таклифлар бериш ва бошқалар.

Юқоридагилардан келиб чиққан ҳолда айтиш мумкинки, молиявий таҳлилнинг асосий мақсади – корхонанинг молиявий фаолиятининг

ютуқ ва камчиликларни аниқлаб, мавжуд маблағларидан янада самарали фойдаланган ҳолда тўловга лаёқатлилиқни мустақкамлашга қаратилгандир.

Шу сабабли бозор шароитида ҳар қандай фаолият юритадиган субъектлар, жумладан кичик бизнес субъектлари ҳам ўз тасарруфидаги барча ресурслар ҳаракатини самарали ташкил этиши учун пул оқимлари тўғрисидаги ҳисоботни тузиши ҳамда ундаги маълумотларни таҳлил этиш орқали молиявий бошқаришни амалга оширади. Чунки бу ҳисоботда корхонанинг жорий хўжалик фаолияти жараёнида пул маблағларининг келиб тушиши, сарфланиши ва уларнинг йил боши ва йил охиридаги қолдиғи, шунингдек, инвестицион ва молиявий фаолиятга йўналтирилган пул маблағлари акс эттирилади.

Ҳозирги кунда республикамизда пул оқимлари тўғрисидаги ҳисобот ўз ичига қуйидаги пул маблағларини олади:

- операция фаолият бўйича пул оқимлари;

- инвестицион фаолият бўйича пул оқимлари;

- молиявий фаолият бўйича пул оқимлари.

Пул оқимлари тўғрисидаги ҳисоботнинг таҳлили корхонанинг иқтисодий келажагини (ёки ҳаётлигини) баҳолашга ёрдам беради. Хусусан, жорий даврдаги пул тушумининг асосий қисмини инвестицион фаолиятдан (асосий воситаларни сотишдан) келиб тушса, инвесторлар учун корхонанинг ликвидлигини пасайишга олиб келадиган нохуш ҳолатни юзага келганини изоҳлаш мумкин бўлади.

Кичик корхонанинг жорий ҳисоб рақамдаги ҳаракатсиз пул маблағлари деярли даромад келтирмайди. Уларнинг кўпайиши билан инвестицион даромаднинг йўқотишлари кўпайиб боради. Шу сабабли ҳам корхона томонидан даромаднинг йўқотилиши ликвидлиқнинг ортганлигининг тўлови сифатида кўрилади.

Республикамиз амалиётида қўлланиладиган пул оқимлари тўғрисида ҳисобот аслида пул маблағлари-

нинг ҳаракатини ифодалаб беради.

Пул оқимлари тўғрисидаги ҳисобот молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисобот кўрсаткичлари ёрдамида молиявий ҳисоботларнинг халқаро андозаси шартларида тайёрланади. Шунинг учун ҳам корхоналарнинг молиявий таҳлилин амалга оширишда пул оқимлари тўғрисидаги ҳисоботни белгиланган шартлар асосида тайёрланганлигини инобатга олиш зарур.

Кичик бизнес субъектлари учун юқорида айтиб ўтилган молиявий таҳлил кўрсаткичлари, шунингдек, пул оқимлари тўғрисидаги ҳисобот маълумотлари маълум бир давр (йил, чорак ёки ой) учун тайёрланади ва улар оралиқ давр маълумотларини ифодалаб беради. Бу маълумотларни даврлар бўйича таҳлил қилиш орқали мазкур корхоналарнинг фаолияти баҳоланса ҳам, улар корхонанинг якуний молиявий натижасини ифодалаб бермайди.

Бироқ шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, кичик бизнес субъектларида ҳам молиявий менежментнинг асосий мақсади корхона капитали қийматининг ўсиб бориши ва фойда олишини таъминлашдан иборат. Шундай экан, кичик бизнес субъектлари молиявий бошқариш тизимини такомиллаштириш бир-бирига ўзаро боғлиқ бўлган қуйидаги масалаларни ҳал этишни талаб қилади:

- биринчидан, корхона фаолиятининг молиявий натижасини унга киритилган инвестицион маблағлар қайтишига боғлиқдир. Инвестиция қайтишини тўғри ҳисоблаш учун пулнинг вақт концепциясини ҳисобга олиш керак бўлади. Шу сабабли ҳам инвестиция қилишдан аввал пул оқимларининг (кирувчи ва чиқувчи) жорий қийматини тўғри ҳисоблашни амалга ошириш;

- иккинчидан, пулнинг вақт концепцияси орқали соф пул оқимларини аниқлаб олиш ва уни жаҳон андозаларига мослаштиришни қўллаш;

- учинчидан, киритилган инвестициялар билан улардан келадиган пул қайтимлари солиштириш орқали якуний молиявий натижани аниқлаш.

Юқоридагиларни эътиборга

олган ҳолда кичик бизнес субъектлари фаолиятига маблағлар ва уларга қўшимча инвестициялар киритиш масаласи якуний молиявий натижасига боғлиқ бўлади. Бу кўрсаткичнинг мазмуни корхона фаолиятининг ҳаётийлиги давридаги самарадорликни ифодалайди ва ҳар қандай бизнесни ташкил этишнинг мақсад ва мазмунини белгилайди.

Бизнингча якуний молиявий натижа корхоналар фаолиятига қилинган бошланғич инвестицион харажатларини қоплаш ва фойда (даромад) олишни бир вақтнинг ўзида таъминлашни ифодалайдиган кўрсаткич бўлиб ҳисобланади. Аввал айтиб ўтилганидек, корхоналар фаолиятини молиявий таҳлил қилишда фойдаланилаётган анъанавий усуллар хўжалик юритувчи субъектларнинг оралиқ молиявий натижаларни маълум муддатларга ифодалаб беради. Шунинг учун ҳам бундай таҳлил якуний молиявий натижаларни тайёрлашда қўшимча маълумотлар бўлиб ҳисобланади.

Молиявий менежмент қилинган инвестициялар самарадорлигини баҳолашнинг умумий хусусиятига эга бўлган, яъни уни аниқлашда қўлланилувчи молиявий натижани вақт бўйича битта (базавий) муддатга келтиришга тўғри келадиган турли кўрсаткичлар тизими ёрдамида амалга оширилади. Битта суммага турлича муносабат нафақат инфляция билан, балки ҳар қандай тижорат фаолиятига киритилган, жумладан, банкдаги депозит рақамига қўйилган ҳар сўмдан маълум вақт (ой, йил) ўтгандан сўнг олинган даромад (фоиз) ҳисобига каттароқ

суммага айланиши мумкинлиги билан ҳам изоҳланади.

Кўпинча кичик корхоналар қўйилган инвестицион маблағлар қайтимига минимал муддат белгилайдилар. Кичик бизнес фаолиятига киритилган инвестициялар самарадорлигини баҳолашда халқаро амалиётда пулнинг жорий ва келгуси қиймати каби тушунчалардан фойдаланилади. Буни шу билан изоҳлаш мумкинки, инвестициялаш узоқ муддатли жараён бўлиб, унда маблағлар қийматини баҳолашнинг жорий давридаги ва уларни пулнинг вақт концепцияси-ни ҳисобга олган соф пул оқимлари кўринишда қайтариб олишдаги қиймати таққосланади. Иқтисодий адабиётларда пулнинг жорий (бугунги) қийматини қуйидаги формула билан аниқланади:

$$PV = FV / (1 + i)^n \quad (1)$$

Бу ерда:

PV – жорий пул миқдори

FV – келгусидаги пул миқдори

i – фоиз ставкаси (даромадлик даражаси)

n – қўйилган маблағнинг муддати


Бугун қилинган инвестицион қўйилмаларини қоплаш учун келгусида қанча пул кирими бўлиши керак деган муаммони ечиш учун қилинадиган инвестицияларнинг ва келгусидаги соф пул киримларининг келтирилган қийматини солиштириш керак бўлади.

Инвестицияларнинг самарадорлигини баҳолаш пулнинг соф жорий қийматига боғлиқ бўлади. Соф жорий қиймат (NPV) бу – олдиндан белгилаб қўйилган фоиз ставкаси

асосида инвестициялаш объектининг бутун фаолияти даврида (ёки унинг ҳаётийлик даврида) келажакдаги олинадиган даромадларнинг келтирилган қийматини харажатларнинг жорий ва келгусидаги келтирилган қиймати ўртасидаги фарқдир. Унинг моҳияти шундаки, ҳар бир вақт оралиғи учун йиллик пулнинг соф оқими қиймати лойиҳани амалга ошириш бошланган йилга келтирилади, бу эса даромадлар ва харажатларнинг дисконтланган оқимлари ўртасидаги фарқсифатида соф жорий қийматни ёки соф дисконтланган даромадни ифодалайди. Агар $NPV > 0$ бўлганида инвестицион қарор қабул қилинади ва келиб чиққан сумма бугунги кунда унинг алтернатив вариантдан қанчага кўп даромад келтиришини билдиради. Алтернатив даромад ставкаси сифатида ўртача тармоқ даромадлилиги даражаси олинади.

Фикримизнинг исботи сифатида “Азия Фрут” кичик корхонасига киритилган 50000 АҚШ доллари миқдоридаги инвестиция маблағларини пулнинг даврий концепцияси бўйича ўртача тармоқ рентабеллиги 12 фоизли ставкасида 5 йиллик муддатга мўлжалланганлигини таҳлил қилганимизда унинг прогноз маълумотлари қуйидагича кўриниш олади.

Бу ерда қилинган инвестиция мос равишда ҳар йили 10633, 11196, 12324, 15196, 11196 жами 60 545 АҚШ доллари миқдорида даромад келган. Сиртдан қараганда бу сумма 10545 АҚШ доллари (60545-50000) миқдорида умумий қилинган инвестицияга нисбатан фойда келтирган. Бироқ уни пулнинг вақт концепция-





Зарарсизлик нуқтаси = Доимий харажатлар / (баҳо-бир бирлик маҳсулотга ўзгарувчан харажатлар)

Зарарсизлик нуқтасининг долзарб масала сифатида қаралишининг асосий сабабларидан бири сифатида инвесторларнинг корхона фаолиятига киритган бошланғич капитал маблағларини корхона бошқарувида эътиборга олинмаслиги бўлиб ҳисобланади. Бошқача қилиб айтганда, бу кўрсаткични менежерлар ҳисобга олмаган ҳолда корхона фаолиятини бошқармоқдалар.

Корхона фаолиятида самарадорликка эришиш учун аввало қилинган бошланғич капитал қўйилмаларни қайтариб олишни ва фойдалилик даражасини ўрганиш зарурдир. Зарарсизлик нуқтасини топиш учун бизнинг фикримизча қуйидагилар инobatга олиниши зарур. Булар:

- инвестицияларнинг ҳаётийлик даври (n)
- инвестиция қилишнинг алтернатив даромадлиги (i), амалиётда эса ўртача тармоқ рентабеллиги (k) қўлланилади
- пулнинг жорий қиймати (PV)
- пулнинг келгусидаги қиймати (FV)
- даромадлиликнинг ички ставкаси (IRR).

Кичик корхоналар молиявий ҳолати маълумотлари молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисоботда ўз ифодасини топади. Ҳисобот маълумотлари эса қилинган харажатлар ва олинган даромадларга боғлиқдир.

Бунинг баробарида молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисоботдаги соф фойда пул оқимлари тўғрисидаги ҳисоботнинг тўғри юритилишига ҳам боғлиқ бўлади. Бухгалтерия ҳисобининг ҳисоблаш таъминоти кўра пул маблағларининг келиб тушиши ўша вақтнинг ўзида даромад сифатида ёки сарфланган пул чиқимлари ўша пайтдаги харажатни ифодалаб бермайди. Бироқ бу кўрсаткичлар пул оқимлари тўғрисидаги ҳисоботни тайёрлашда инobatга олинади. Шу сабаб

асосида таҳлил қиладиган бўлсак, у ҳақиқатда 2201,1 миқдорида фойда келтирган. Бошқача қилиб айтганда унинг соф жорий қийматини ифодалаб берди.

Бизнинг мисолимизда соф жорий қиймат (NPV) ижобий ($54071,64 - 50000 = 4071,64$) бўлганлиги боис, уни амалиётга қўлланганлиги тўғридир. Бироқ, соф жорий қиймат салбий бўлса, у ҳолда маблағларни мазкур соҳага инвестиция қилиш ярамайди. Чунки қилинган инвестицияга нисбатан мазкур қоида ҳар бир менежернинг диққат-эътиборида бўлиши зарурдир.

Кичик бизнес субъектлари фаолиятини таҳлил қилишдаги энг асосий ҳолат сифатида маҳсулот сотишдан келган тушум ва унинг асосида корхонанинг зарарсизлик нуқтасини ўрганиш муҳим аҳамиятга эга ҳисобланади.

Кичик бизнес субъектлари фаолиятида зарарсизлик нуқтасини аънавий усулда топиш ҳар доим ҳам тўғри натижаларга олиб келмайди.

Амалиётда қўлланилаётган мазкур усул (ялпи тушум билан харажатлар ўртасидаги фарқ) бўйича корхона фаолиятини маълум даврларга режалаштирилаётганда менежерлар учун зарарсизлик нуқтасини аниқлаш муҳимдир. Маълумки, зарарсизлик – маҳсулотни сотишдан олинган жами тушум ва уни ишлаб чиқаришга кетган жами харажатларига тенг бўлади. Бунда корхонанинг фойдаси нолга тенг бўлади ва у қуйидагича аниқланади:

Ялпи тушум = Ўзгарувчан харажатлар + доимий харажатлар

Зарарсизликнинг таҳлилидан мақсад – маҳсулотни сотишдан келиб тушган пул тушумлари барча харажатлар билан бир хил бўладиган фаолият даражасини (ёки ишлаб чиқариш ҳажмини) аниқлашдир. Умумқабул қилинган бошқарув мезонлари бўйича зарарсизлик қуйидаги формула орқали топилади:

ли ҳам пул оқимлари тўғрисидаги ҳисоботни ўрганиш муҳим масалалардан биридир.

Пул оқимлари тўғрисидаги ҳисобот ёрдамида молиявий менежмент асосий фаолият бўйича пул ресурсларининг ҳаракати тўғрисида ахборотга эга бўлади. Мазкур ҳисобот кирим ва чиқимларни ўзида ифодалаган уч қисмдан иборат.

Халқаро амалиётда қўлланилаётган пул оқимлари тўғрисидаги ҳисоботда амортизация ажратмалари соф фойдани ҳисоблашда гарчи пул кўринишида бўлмаса ҳам, корхонанинг даромадлари суммасидан чиқарилиб ташланади. Чунки асосий воситаларни сотиб олишга қилинган харажатлар амортизация фонди ҳисобидан қопланиши керак. Чунки амортизация фондининг шакллантирилиши асосий воситаларга сарфланган харажатларни қайтарилишини таъминлаб беради. Бундан шуни хулоса қилиш мумкинки, соф фойда кўрсаткичидан ишлаб чиқаришнинг тушуми кўрсаткичини олиш учун биринчи навбатда амортизация ажратмаларини қўшиш лозим бўлади.

Пул оқимлари тўғрисидаги ҳисобот қуйидаги формула билан ифодаланади:

Пул оқимлари (тушумлар) = Соф фойда + амортизация

Юқоридаги келтирилган маълумотлар асосида, “Азия Фрут” кичик корхонасининг зарарсизлик нуқтасини анъанавий усул ёрдамида топамиз. Баланс фойда 80 минг АҚШ доллари, жами харажатлар 72,23 минг АҚШ доллари, шундан 32,2 минг АҚШ доллари (йиллик амортизация ажратмаси 5 минг АҚШ доллари билан) доимий харажатларни, ўзгарувчан харажатлар (маҳсулот таннархи) 40,03 минг АҚШ долларини ташкил этади. Йиллик ишлаб чиқариш ҳажми (корхона қуввати) 1000 дона бирлик маҳсулотни ташкил этади.

Зарарсизлик нуқтаси = 32200 / (80-40,03)=805,6 донани ташкил этади.

Демак, йиллик 806 та маҳсулот ишлаб чиқариб сотилса, букўрсаткич корхонанинг зарарсизлик нуқтаси

ҳисобланади. Бошқача қилиб айтганда, унинг жорий фаолиятида фойда ҳам, зарар ҳам бўлмайди. Аммо бу ҳисоблаш усули сарфланган инвестиция маблағларини эътиборга олмайди.

Энди корхона фаолиятини зарарсизлигини киритилган инвестицион маблағларни ҳисобга олган ҳолдаги усули ёрдамида аниқлаймиз. Бунинг учун аввало бошланғич инвестиция маблағларини қайтарилишини таъминлайдиган йиллик пул оқимини аниқлашимиз керак бўлади. Бу кўрсаткич албатта пулнинг вақт концепцияси асосида топилади. Йиллик соф пул оқими (прогноз бўйича) 13870,5 АҚШ долларини ташкил этади. Фойда солиғининг 10 фоиз эканлигини ҳисобга олган ҳолда зарарсизлик нуқтаси қуйидагича кўриниш олади:

$$0,9 \times (80 - 40,03Q - 32200) + 5000 = 13870,5$$

Бу тенгликдан $Q=948$ га тенг бўлади.

Ҳисоб-китоб натижасида топилган 948 дона маҳсулот ҳажми корхонанинг инвестицион харажатларини ҳам қоплашини ҳисобга олган ҳолдаги зарарсизлик нуқтаси бўлиб, бу миқдор анъанавий усул ёрдамида топилган зарарсизлик нуқтасидан каттадир. Демак, менежерлар томонидан йўл қўйилиш мавжуд бўлган фарқ $(948-806)=142$ бирликка тенг. Агар уни биз йиллик сотиш баҳоси билан ҳисоблаганимизда ҳар йили $(80 \times 142)=11360$ АҚШ долларга тенг қиймат бўйича хатоликка йўл қўйилади. Бундан кўринадики, биргина йўл қўйилаётган хатолик молиявий ҳолатнинг тўғри таҳлил қилинмаслигига, бинобарин сарфланган инвестиция маблағларини қайтмаслигига олиб келиши мумкин.

Шундай қилиб, айрим молиявий кўрсаткичнинг ўзгариши бошқа кўрсаткичлар ўзгаришига таъсир кўрсатса, корхона молиявий ҳолатининг ўзгаришига олиб келиши мумкин. Юқорида айтиб ўтилган

асосий муаммо корхоналар фаолиятининг нима сабабдан тез тугатилиши ёки пасайишининг асосий сабабларидан бири сифатида молиявий таҳлилларнинг нотўғри амалга оширилишига келиб тақалмоқда. Шу сабабли ҳам корхоналар фаолиятини бошқариш масаласига қилинган инвестицияларнинг қайтими масаласи орқали қараш зарур бўлади.

Юқорида келтирилган фикрлар корхона молиявий ҳолатини баҳолашнинг мураккаб жараён эканлигидан дарак беради. Шунинг учун ҳам, корхоналар алоҳида инвесторлар, махсус ташкилотлар қарорларидан кўра кўпроқ ўзларининг текширув ва таҳлиллари натижаларига асосланмоқдалар.

Фикримизча, иқтисодийётни модернизациялаш шароитида юқоридаги кўрсаткичлар эмас, балки корхона фаолиятига қилинган барча инвестициялар самарадорлиги кўрсаткичларининг таҳлили корхоналар фаолиятига умумий тарзда объектив баҳо бериш мезони ҳисобланади.

Хулоса қилиб айтганда, кичик бизнес субъектларида молиявий натижани аниқлашнинг асосий кўрсаткичлари таҳлил қилиш якуний молиявий натижа орқали амалга оширилиши керак. Бу корхонанинг асосий натижаларига янгича усулда баҳо бериш тизимини ишлаб чиқишга ёрдам беради. Кичик бизнес субъектлари фаолиятида пул оқимларини аниқлашнинг вақт концепцияси орқали ўрганиш ва улар ёрдамида корхона молиявий фаолияти бошқарилади. Ҳисоб қилиш учун барча зарурий шартлар кейинги мақолада берилади.

Равшан ҚАЮМОВ,
иқтисод фанлари номзоди,
Абдулазиз ТЕМИРОВ,
Тошкент давлат
иқтисодийёт университети.

¹ И.Каримов. “Асосий вазиғамиз – ватанимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигини янада юксалтиришдир”. “Халқ сўзи”. 30 январь 2010 йил.

² И.Каримов. “Асосий вазиғамиз – ватанимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигини янада юксалтиришдир”. “Халқ сўзи”. 30 январь 2010 йил.